



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 26 сентябрь, № 200 (7430) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БМТ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАХСУС МАЪРУЗАЧИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 сентябрь куни мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари кенгашининг судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саянни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳамкорлик фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланган БМТ ҳамда унинг тузилмалари билан конструктив муносабатлари тобора мустаҳкамлашиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раад Ал Хусайн ва БМТнинг Дин ёки этник эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳиднинг мамлакатимизга ташрифлари натижасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатларини мустаҳкамлаш, бу борадаги халқаро мулоқотни янада ривож-

лантиришга қаратилган «йўл хариталари» амалга оширилмоқда. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 70 дан зиёд халқаро ҳужжат, жумладан, БМТнинг ўнта асосий шартномасига қўшилган. 2018 йил ноябрь ойида Самарқандда илк бор Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми ўтказилди. Шунингдек, Ўзбекистон парламенти томонидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва маънавий таъминлашнинг амалга ошириш бўйича миллий дастур қабул қилинган. Ушбу ҳужжат суд-ҳуқуқ соҳаси ходимларининг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги билимини оширишни назарда тутади.

Хусусан, янги орган — Судьялар олий кенгаши ташкил этилди, судьяларни узоқ муддатга тайинлаш ва суд қарорларини жамоатчиликка эълон қилиш амалиёти жорий этилди. «Хабас корпус» ва «электрон одил судлов» механизмларини қўллашни кенгайтиришга муҳим аҳамият қаратилмоқда. Мамлакатимизда адвокатларнинг мустақиллигини таъминлаш

ва ўрнини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Адвокатлар палатасининг роли ортиб бормоқда. Учрашувда ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди, Ўзбекистоннинг суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчилигини янада такомиллаштириш жиҳатлари ва қўшама тадбирлар ўтказиш масалалари муҳокама қилинди. БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг махсус маърузачиси самимий қабул ҳамда ташрифи тадбирларга бой дастур асосида ташкил этилгани учун Ўзбекистон Республикаси Президентига миннатдорлик билдирди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ДУНЁ НИГОҲИ

«ЎЗБЕКИСТОН КАТТА СИЁСИЙ ЖАРАЁН АРАФАСИДА»

2019 йилнинг 22 декабрида мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар бўлиб ўтди. Айни пайтда сайлов кампанияси бошланган. Ушбу муҳим воқелик ҳақида хорижий оммавий ахборот воситаларида қатор хабар ва аналитикалар бериб борилмоқда.

Хусусан, **Хитойнинг «Синьхуа» ахборот агентлиги** томонидан мазкур сиёсий жараёнга бағишлаб тарқатилган махсус хабарда Ўзбекистонда сайлов кампанияси бошланганлиги айтилди.



Унда қайд этилишича, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Халқаро Матбуот марказида бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида сайлов кампанияси 20 сентябрдан бошланиши эълон қилинди.

таҳкам ва кенг ўрин олмақда. **Америка Қўшма Штатларининг «MENAFN» агентлиги** томонидан «Булажак парламент сайловларини ЕХТ ДИИХБнинг тўлақонли миссияси кузатиб боради» сарлавҳали мақола эълон қилинди.

Материалда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси Ўзбекистонда сайловда муҳити ва уларга тайёргар-



лик жараёнини, мамлакатда эркин ва демократик сайловлар ўтказилишини таъминлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларни ижобий баҳолаб, парламент сайловларига тўлақонли кузатиш миссиясини юбориш ниятини билдиргани хабар қилинади. Бюро тарқатган ҳисоботга таянган ҳолда, Агентлик Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида республикада иқтисодиёт ва давлат бошқаруви соҳасида, шу жумладан, валютани тартибга солишни либераллаштириш, виза режимини соддалаштириш ва қўшнилари билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш, бир қанча сиёсий маҳбۇсларни озод этиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимида кенг қўлмали ислохотлар олиб борилаётгани таъкидланади.

Айниқса, сайловлар сайлов қонунчилиги сезиларли даражада янгиланган шароитда ўтиши алоҳида эътироф этилади.

«UrduPoint» газетасидаги (Покистон) «Янги Ўзбекистон — янги сайловлар» сарлавҳали репортаж-да тараққийнинг янги, жадал демократик босқичига қадам қўйди. Шу сабабли, сайловлар ҳам янги раҳ ва замонавий тамойиллар асосида ўтказилиши кутиляпти.



Агентлик 22 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловлар мамлакатни ривожлантиришининг бешта муҳим устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган демократик ғоя ва тамойилларнинг амалдаги ёрқин ифодаси бўлишига ишонч билдирди. Замонавий Ўзбекистон сиёсий ҳаётида, «Anadolu» ёзганидек, кўппартиявийлик, сиёсий плюрализм, фикрлар хилмаҳиллиги, очиқлик ва ошқоралик, барқиратилган тамойиллари тобора мус-

Диего Гарсия-Саян: ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЎЗГАРИШЛАР БЎЙИЧА ЎРГАНИШЛАРИМ НАТИЖАСИ, ХУЛОСАЛАРИМ ИЖОБИЙ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 сентябрь куни мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари кенгашининг судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саянни қабул қилди.

Қабулдан сўнг Диего Гарсия-Саян Ў.А. муҳбирига кўйидагиларни сўзлаб берди: — Президент Шавкат Мирзиёев билан мулоқотимиз самарали бўлди. Ўзбекистонда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолияти учун зарур шароит яратиш, соҳа ходимлари моддий ва ижтимоий таъминотини яхшилаш юзасидан сўнгги йилларда амалга оширилган ишлар ҳақидаги ижобий хулосаларимиз бўйича фикр алмашдик. Соҳани ривожлантириш мақсадида ташкилотимиз томонидан берилган тавсиялар давлатингиз раҳбари томонидан ижобий баҳоланди. Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашда соҳага АКТни жорий этиш муҳим. Бу суд фаолиятини оsonлаштиради ва шэф-

фофликни таъминлайди. Шунингдек, жамоатчиликнинг суддаги барча қарорлардан тез ва оson фойдаланишига имкон яратади. Қисқача айтганда, соҳага АКТни жорий этиш қонун устуворлиги ва ошқораликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонга ташрифим давомида Самарқанд, Бухоро ва Фарғона вилоятларида бўлдим. Маҳаллий аҳоли, журналистлар билан мулоқот қилдим. Ўрганишларим натижаси ўлароқ айтишим мумкинки, хулосаларим ижобий, яъни таассуротдан ман. Самарали ҳамкорлигимиз давом этиши белгиланган мақсадларга эришиш имконини беради.

Ў.А. муҳбири З. ЖОНИБЕКОВ ёзиб олди.

МЕТАЛЛУРГИЯ ИСТИҚБОЛЛИ СОҲАГА АЙЛАНМОҚДА

Бу йўналишда мутахассисларни тайёрлаш — мамлакатнинг иқтисодий қудратини оширишнинг стратегик вазифаси.

Ўзбекистон — табиий ресурсларга бой, юқори ривожланган металлургия санаятига эга мамлакат. Республикаимизнинг олтин захираси бўйича дунёда

Тўртинчи, уни қазиб олиш борасида еттинчи, уран захираси бўйича еттинчи ҳамда мис захиралари бўйича ўн биринчи-ўн иккинчи ўринда туриши бунинг яққол тасдиғидир. Шу билан бирга, юртимиз заминидан кумуш, молибден, висмут, вольфрам, литий каби нодир ва қамбў металллар ҳам мавжуд.

Таҳлил ва таққос

Фармон ва ижро ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МАСАЛАЛАРНИ АНИҚЛАШ ҲАМДА ҲАЛ ЭТИШДА ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

Президентимизнинг 2019 йил 14 майдаги «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда мазкур соҳада амалга оширилаётган ислохотларни янада фаоллаштиришга қаратилган муҳим ҳужжатлардан бири бўлди.

Зеро, ушбу ҳужжатга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини қўриб чиқиш қабулхоналари ташкил этилгани ташкилотлар мутасаддилари билан аҳоли ва тадбиркорлар муносабатларини янада мустаҳкамлади. Янги, очиқ ва самимий мулоқот майдони вужудга келди. Юзма-юз учрашувларда ечимини кутаётган, тадбиркорни қийнаб келаятган муаммоларга ечим топилаётган.


Маълум вақт ва ўрганишни талаб этадиганлари эса назоратга олинди, тегишли ташкилотларга юборилмоқда. Шу боис айни пайтда тадбиркорларнинг амалий кўмакчиси ва яқин маслаҳатчиси айланган мазкур қабулхоналарга келувчилар сони тобора ортмоқда. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини қўриб чиқиш Қашқадар вилояти қабулхонасига келганимизда бунга яна бир қарра

амин бўлдик. Бинобарин, қабулхонанинг кираверишида бир нечта мурожаатчилар турганди. Ўзаро бўлаётган суҳбатлардан англаш мумкин эдики, улар кўтараятган муаммолар ҳам турлича. Шуниси аниқки, мурожаатчиларнинг ҳар бири масала ҳам бўлармикан, деган илҳомда. Яна бир эътиборли томони, айнан шу куни вилоят ҳокимлиги биносида давлатимиз раҳбари Фармон мазмун-моҳиятини кенг тушунтириш ва жойларда учрашувлар ўтказиш бўйича ташкил этилган Республика ишчи гуруҳларининг ҳудудларга чиқиш режа-жадвали асосида тад-

биркорлар билан учрашув ҳам ташкил этилди. Айтиш жоизки, ушбу тадбир ҳам улар учун қўшимча имконият яратди. Чунки унда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, «Ергедезкадастр» давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, тижорат банклари мутасаддилари билан нафақат юзма-юз учрашиш, балки ўзларини қийнаётган масалаларини ўртага ташлашлари мумкин бўлди. Учрашувда йиғилганларга тадбиркорлик ривожига Президентимизнинг мазкур Фармони нечоғли аҳамиятга эгалиги қайд этилди.



ВИЛОЯТЛАР КўП ТАРМОҚЛИ ТИББИЁТ МАРКАЗЛАРИДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН ТИББИЙ ЁРДАМ ОЛИШДА КИМЛАР ИМТИЁЗГА ЭГА?



Манба: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги @huquqiyaxborot канали

ИЛМ-ФАН хабарлари

Қурилиш материаллари кўргазмаси

Инновацион ривожланиш вазири ва "Ўзсанотқурилишматериаллари" уюшмаси қoшидаги Қурилиш материаллари санoати илмий-техникавий кенгаши хамкорлигида республикамиздаги қурилиш материаллари соҳасида мавжуд илмий ва инновацион, янги турдаги, юқори самарадор қурилиш материаллари, ишланмалар ва технологиялар кўргазмаси ташкил этилди.

Кўргазмада умумий қиймати 7,6 млрд. сўмлик 10 та йўналишдаги инновацион лойиҳалар танловида қатнашадиган олимларнинг ишланмалари намойиш қилинди. Президентимизнинг "Қурилиш материаллари санoати ниҳад ривожлантиришига оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига кўра, Қурилиш материаллари санoати илмий-техникавий кенгаши тузилган. Кенгаш қурилиш материаллари санoати йўналиши бўйича уюшманинг ил-

мий-техник сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга кўмаклашадиган, илмий-техник лойиҳаларни баҳолаш, экспертиза қилиш ва мониторингдан ўтказиш билан боғлиқ ишларни амалга оширади. Айти пайтда давлат илмий-техника дастурлари доирасида қурилиш йўналиши бўйича соҳа корхоналари буюртмасига кўра 7 650,0 млн. сўмлик 30 та амалий тадқиқотлар лойиҳаси бажарилмоқда.

Ўзбек олимлари қимматбаҳо металллар яширин конларини топишнинг ноёб усулини яратди

Илгор технологиялар маркази илмий ходимлари Шотландиянинг Глазго шаҳридаги Минерал конлар амалий геология жамияти (SGA) конференциясида иштирок этди.

SGAнинг 15-конференциясида 75 давлат вакиллари орасида Ўзбекистон номидан Илгор технологиялар маркази директори ўринбосари, геология-минералогия фанлари номзоди Рустам Холматов қатнашди ва маъруза ўқиди. Р. Холматов қимматбаҳо металллар яширин конларини қидириш, тиллаштириш ва баҳолашнинг минерал-геокимёвий нанотехнология усули ҳақида сўзлади. Мазкур

усул қимматбаҳо металлларнинг янги конларини топиш имконини беради. Гап шундаки, бугунги кунда сиртки қатламдаги барча конлар аллақачон топишган бўлиб, эндиги мақсад қимматбаҳо металлларнинг яширин конларини топишдир. Учрашув якунларига кўра, олимларимиз хориқлик ҳамкасблари билан хамкорлик алоқаларини ўрнатилга келишиб олишди.

Жамоада ишлаш ва ижодий ёндашув

Инновацион ва бошқарув ечимлари лабораториясида давлат хизматчилари учун "Жамоада ишлаш ва лидерлик кўникмалари" ҳамда "Муаммоларни ечишда ижодий (креатив) ёндашув маҳорати" мавзуларида тренинглр ўтказилди.

Тренинг Инновацион ривожланиш вазири ва БМТ Тараққиёт дастури хамкорлигида ташкил этилди. "Жамоада ишлаш ва лидерлик кўникмалари" мавзусидаги тренингда жамоада ишлашнинг ўзига хос жиҳатлари, жамоани шакллантириш тамойиллари, рақобатчилар ва хамкорлар билан самарали алоқалар ўрнатиш масалалари муҳокама қилинди.

"Муаммоларни ечишда ижодий (креатив) ёндашув маҳорати" тренинги эса иш жараёнида ижодий фикрлаш кўникмасини қўллаш, уни ривожлантиришга бағишланди. Таъкидлаш кераки, мазкур икки тренинг, давлат хизматчилари кундалиқ ҳаётда дун келадиган вазиятларда тўғри ва самарали йўл тутишлари учун туртки бўлди, дейиш мумкин.

«Халқ сўзи».

ВАТАНИНИ СЕВГАН, ОИЛАСИНИ АВАЙЛАГАН ИНСОН КОРРУПЦИЯГА ҚЎЛ УРМАЙДИ



Давлатимиз раҳбари деярли ҳар бир чиқишида адолатлилик ва шаффоқлик, халқ манфаатлари устуворлигини таъминлаш, коррупция ҳамда унинг салбий оқибатларига қарши курашиш масалаларини мунтазам таъкидлаб келади. Сўнгги пайтларда мамлакатимизда бу илатта қарши курашишнинг янги механизмлари амалиётга жорий этилмоқда. 2017 йил 3 январда "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун, шу йилнинг 2 февраль куни Президентимизнинг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қонун ва ижро

Шунингдек, Олий Мажлис Сенатида Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ташкил этилди. Ўзбекистон коррупцияга қарши курашиш бўйича бир қатор халқаро ҳужжатларга ҳам қўшилган. Ҳозирги кунда мазкур ҳужжатлар юртимизда коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида давлат органлари томонидан коррупцияга қарши жиддий кураш олиб бориляпти. Хусусан, Ички ишлар вазириликнинг Коррупция ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ҳамда унинг жойлардаги тизимларининг хизматини алоҳида таъкидлаш лозим.

Жорий йилнинг 7 ойи мобайнида коррупция ва иқтисодиёт соҳасида содир этилган, ҳоқимият, бошқарув ва жамоат бирлашма-

лари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлардан 480 таси аниқланди. Шундан 60 таси порахўрлик, 36 таси товламачилик, 185 таси фирибгарлик, 90 таси валюта қондасини бузиш,

5 таси қалбаки пул ясаш, 48 таси ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш ва 56 таси бошқа турдаги жиноятлар билан боғлиқ.

Аниқланган жиноятлар кўрсаткичларини ўтган йилнинг мос дав-

ри билан таққослаганда мазкур йўналишдаги жиноятлар 20,1 фоиз, яъни 121 тага камайганили аён бўлади. Қолаверса, етказилган моддий зарарнинг 22 млрд. сўмдан зиёди ундирилди.

Маълумотларга кўра, агросаноат комплексида 20 та, саноатда 5 та, ёқилғи энергетика комплексида 11, банк, молия-кредит тизимида 15 та, ижтимоий соҳаларда 84 та, истеъмол бозориди 20 та, чет эл фирмалари ва қўшма корхоналарида 4 та, ўрта ва кичик бизнесда 28 та, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда 4 та, назорат идораларида 10 та, ҳокимият тизимида 25 та ҳамда бошқа соҳалардаги 252 та жиноят аниқланиб, фoш этилди.

Ижтимоий соҳалардаги коррупция билан боғлиқ ҳолатлар ҳам жиддий муаммолардан саналади. Биргина таълим соҳасидаги порахўрлик жинояти бутун миллат тақдирига салбий таъсир этади. Ахир ҳар бир давлат, миллат ўз келажагини ўсиб келадиган ёшлар сиймосида кўради. Эртанги кун эгалари коррупция эвазига ўқишга кирса ёки пора бериш орқали таълимни якунласа, улар давлат тараққиёти ва халқ фаровонлиги учун хизмат қила олмайди. Шу боисдан бугун таълим тизимидаги шаффоқликни таъмин-

лаш ва коррупция билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Коррупция билан боғлиқ жиноятчиликни ҳудудлар кесимида оладиган бўлсақ, Тошкент шаҳрида ўтган 7 ой мобайнида энг кўп қайд этилган.

Ушбу маълумотда акс этган жиноятлар сони ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда сезиларли даражада камайган. Албатта, эришилаётган ушбу ижобий натижалар замирида олиб бориладиган профилактика ишлари, тарғибот-ташвиқот тадбирлари ҳамда ўзлаштирилаётган хорижий тажриба ўз муҳассамини топган.

Инсон нафс қулига айланса, ўзига берилаётган бор ризқдан ҳам маҳрум бўлиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун барчамиз ҳалол ва қонунга итoатқорлик билан меҳнат қилсак, келажақдаги барча мақсадларимизга эришамиз. Бунинг учун бир оз сабр ва нафсни жиловлай олиш кифоя. Зеро, Ватанини севган, оиласини авайлаган инсон ҳеч қачон бундай ишга қўл урмайди.

Музаффар МАҲМУДОВ, ИИВ Жинoят қидирув Бош бошқармаси Коррупция ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи.



ЭЪЛОНЛАР

Advertisement for 'Fug' (Fuqarolarning banklardagi omonatlarini kafolatlash fondi) regarding the 2019 audit of religious activities.

Advertisement for Kamoliddin Behzod Nomidagi Milliy Rassomlik va Dizayn Institutu regarding 2020 PhD admissions.

Advertisement for Uzbekistan State Conservatory regarding 2020 PhD admissions in music and philosophy.

Advertisement for Uzbekistan State Institute of Culture and Art regarding 2020 PhD admissions in theater, cinema, and education.

Advertisement for Alisher Navoiy Nomidagi Toshkent Davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti regarding 2020 PhD admissions.

Advertisement for Bo'sh muharrir Utkir RAHMATOV regarding a job opening.

Advertisement for 'Xalq S'uzi' newspaper regarding subscription information and contact details.

Advertisement for 'Xalq S'uzi' newspaper regarding subscription information and contact details.